



**EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!**

**1-OKTABR – O‘QITUVCHILAR VA  
MURABBIYLAR KUNI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMIY-METODIK JURNALI**



**2018-9**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA va FALSAFA hamda FIZIKA-MATEMATIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**9.2018**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2018**

“Боб ат-турк” – “Турклар дарвозаси” работидан бошланган. Кўпроқ Шарқий Европага олиб борувчи йўл бўлгани учун бу йўл жуда серқатнов бўлган.

XI–XII асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги сиёсий жараёнлар ҳам Хоразмнинг кўчманчилар билан бўладиган савдосига ҳеч қандай таъсирини ўтказмади. Аввалги савдо йўллари, илгариги кўчманчилар дунёси ва шаҳарлари ўз фаолиятини давом қилдирган. Фақат энди ўғузлар эмас, Қозоғистон даштларидаги қипчоқлар бошлиқ турлитуман кўчманчилар бу савдода асосий роль ўйнай бошлаган.

Аммо мўғул босқини натижасида бу савдо-сотикнинг ривожига чек қўйилди – савдо йўлларидаги алоқалар кескин даражада камайиб кетди, Қозоғистон ҳудудларидаги Сигноқ, Куяққесканқалъа, Жанд, Ашанас, Сарлитомқалъа, Уйгарак шаҳарлари ҳувиллаб қолди. Олтин Ўрда ва қисқа вақт Амир Темур даврида бу савдо йўлларида бироз жонланиш кузатилса-да, барибир, ўзининг илгариги даражасига кўтарила олмади. Темурийлар даврида ва ундан кейин эса бу карвон йўлларидаги савдо алоқалари олдинги даражаси билан таққослаганда, умуман, йўқ даражага тушиб қолди.

Умида Ибрагимова (Нукус Давлат педагогика институти)  
**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДА ФЕЪЛ ЯСОВЧИ АЙРИМ  
АФФИКСЛАРНИНГ СИНОНИМИЯСИ**

*Аннотация.* Мақолада феъл ясовчи айрим аффиксларнинг синонимик хусусиятлари, маъно муносабатлари Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларидан синхрон аспектда йиғилган материаллар асосида тавсиф этилди. Бунда *-ла//лэ, -лан//лэн, -лаш//лэш, -сира* аффиксларининг бири ўрнида иккинчиси келганда маънога таъсир кўрсатиши, аввало, уларнинг ўзаро синонимик муносабатда бўла олиши, қандай ўзакка қўшилаётганликлари ва қандай маънода қўлланаётганликлари, сўз ясовчими ёки шакл ясовчи эканлиги аниқланиб, улар ўртасидаги синонимик муносабатни таъминловчи асосий воситалар таҳлил қилинади.

*Аннотация.* В статье описываются смысловые значения, синонимические особенности некоторых аффиксов, образующих глаголы, на материале узбекских диалектов Каракалпакстана, собранном в синхронном аспекте. Анализируются основные средства, обеспечивающие синонимические отношения, употребление аффиксов *-ла//лэ, -лан//лэн, -лаш//лэш, -сира* и изменение значений слова, в первую очередь, изменение их синонимических отношений, отношение к корню, изменение значения, определяется словообразующий или формообразующий аффикс.

*Annotation.* There are analyzed synonymous peculiarities of verb-forming affixes, their meaning on the base materials collected on synchronic aspects in Uzbek dialects in Karakalpakistan. These affixes *-ла/лэ, -лан/лэн, -лаш/лэш, -сира* can be used as synonyms to each other, there are described the place and role of these affixes in word-formation in this article.

**Калим сўзлар:** синонимик хусусият, сўз ясовчи қўшимчалар, синонимик муносабат, шакл ясовчи аффикслар, феъл ясовчи.

**Ключевые слова:** синонимические особенности, словообразующие аффиксы, синонимические отношения, формообразующие аффиксы, глаголообразующие.

**Key words:** synonymic features, word-building affixes, synonymous relations, form-building affixes, verbal-forming.

Маълумки, ҳар қандай сўзнинг аффиксация усули билан ясалишини тадқиқ этганда, аффиксларнинг қандай ўзакка қўшилаётганлиги нуқтаи назардан қараш, яъни сўз асоси (ўзак) ва аффикслардаги семантик мосликка эътибор бериш даркор. Бу ҳол бир аффикснинг ҳам сўз ясовчи, ҳам форма ясовчи деб қараш имконини беради. Феъллар билан боғлиқ бўлган аффиксларнинг синонимик муносабатини белгилашда, аввало, уларнинг сўз

ясовчими ёки форма ясовчими эканлигини аниқлаб олишга тўғри келади. Чунки феъл ясовчиларнинг айримлари феъл даражалари, айримлари феъл майллари, айримлари феъл формалари ясайди ёки феълнинг миқдор характеристикасини ифодалайди. Бундан ташқари, ўзбек тилида феъллар, асосан, отлар, сифатлар, равишлар, ундов сўзлардан, айрим ҳолларда сон ва олмошлардан ясалади. Лекин феъл деб қаралган сўзлардан янги феъллар ясаб бўлмайди, балки ҳаракатнинг такрорланиши, ўзгариши ёки давомлилиги ифодаланади.<sup>1</sup> Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида (бундан кейин ҚЎШ) ҳам кўпгина феъллар, аслида, ясама бўлиб, тил тараққиёти давомида таркибий қисмларга ажратилмайдиган бўлиб қолган. Бундай феълларни ҳозирги кунда ўзак ва аффиксга ажратиш мумкин эмас. Аффиксни алоҳида олиб, бошқа аффикслар билан синонимик муносабатда бўла олади, деб қараш ноўриндир. Феъллар билан боғлиқ бўлган аффиксларнинг синонимик муносабатини белгилашда, феъл бўлмаган сўзлардан феъл ясовчи аффиксларни ясовчилар сифатида қараш жоиздир.

-ла// -лэ// -лэ аффикси ҚЎШда ҳам серунум аффикс саналади. Ўзбек тилшунослигида -ла аффиксининг келиб чиқиши, маъно хусусиятлари, қандай сўзларга қўшила олиши ва ҳоказолар ҳақида анчагина ишлар мавжуд<sup>2</sup> бўлишига қарамай, шеваларда айрим маънолари билан маълум бир аффиксларга синоним бўлса, айрим маънолари билан бошқа аффиксларга синоним бўлиб келиши ўрганилмаган.

ҚЎШда -ла// -лэ// -лэ аффикси шу -ла аффиксининг ўзидан келиб чиққан, унинг фонетик варианты ҳисобланган -та аффиксига синоним бўлиб келади. Аммо ҳозирги кунда улар ўртасида синонимик муносабат мавжуд, деб айтиш қийин. Масалан, *нықла* – *нықта* сўзлари, аслида (ҳозир ҳам айрим ҳоллардагина), айнан бир маънони англатса ҳам, кейинчалик икки хил маъно англатадиган бўлиб қолган. *Нықла* сўзи бирор нарсани бирор нарсага итариб зич жойлаш, тўлдириш маъносини англатса, *пакка ва киталарыңды нықла, джуварини қанарга нықла* – тўлдир, тўлгунча сол, *нықта* сўзи бирор киши ёки нарсани туртиш, қисиш, зичлаш, роса тўлдириш, таъкидлаш, маҳкамлаш маъноларини англатади: *Джапактың қарнына бир-йэки мартэ нықта* (бир-икки тушур); қапқа гўнджараны *нықтап* са: *-нықлап* са: (зичлаб жойлаштир). ҚЎШда *нықла* сўзи ҳаракатнинг давомийлигини ифодаловчи *нықта* сўзига зичлаб жойлаштириш, роса тўлдириш маънолари билан ўзаро синоним бўлиб келган. Лекин биринчисида ҳаракат бир марта, кейингисида кўп марта, давомли ҳолатда бўлган.

ҚЎШда -ла// -лэ// -лэ аффикси *воң* сўзига қўшилиб келиб, худди шу сўзга қўшилиб келувчи, феъл ясовчи -эр (-ғар) аффиксига синоним бўлиб келади: *воңла:воңгар:воңар*. Мазкур сўз *воңла* шаклида ишлатилганда, бирор нарсани устига олиш, кўтариб олиш, бошқариш, сошлаш, ёроқли ҳолга келтириш маъноларини англатади. *Воңар* шаклида қўлланганда, *бошқармоқ; воңгар* эса тескари томонга қараб турган нарсани ўзи томонга қаратмоқ, ўнг ҳолатига келтирмоқ, қаратмоқ, сошламоқ маъноларини ифодалайди. Худди шу *сошлаш, ўнг ҳолатига келтириш* маънолари билан *воңла* сўзи таркибидаги -ла аффикси билан синоним бўлиб кела олади: Эмэт ўйин *воңлап* алыпты: *воңгарып* алыпты – уйини сошлаб олибди. *Ўнгла* сўзи ўзбек адабий тилида китобий услубга хос сўз сифатида фаол ишлатилса, *воңгар:воар* сўзи шеваларда кенг қўлланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *ўнгармоқ* сўзининг иккинчи маъноси айнан *ўнгламоқ* сўзига мос келиши қайд қилинган.<sup>3</sup>

-ла (лэ, -лэ) аффикси *бек* (берк) сўзига қўшилиб келганда, худди шу сўзга қўшилиб келувчи, шу сўз таркибида ясовчи сифатида қаралган -(и)т аффиксига синоним бўлиб келади: сувдың сағасын *бэклэ:сувдың сағасын бэкип* сувнинг (ариқ) сағасыни *ён-*. Аслида,

<sup>1</sup> Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. Тошкент, “Университет”, 1991, 11–12-бетлар.

<sup>2</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.–Л., “Наука”, 1960, с. 247; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II т., Москва, 1981, 39-бет; Ғуломов А.Ғ. Феъл. Тошкент, “Фан”, 1984, 68-бет.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II т., Москва, 1981, 605-бет.

берк сўзи таркибидаги **р** ундошининг талаффузда тушиб қолиши натижасида бэк шакли ва унга **-ла** ҳамда **-(и)т** аффикси кўшилиб, *беклә:бэкит* шакллари ҳосил бўлган. **-ит** аффикси эса тарихан **эт-** кўмакчи феълига алоқадор саналади.<sup>1</sup> ҚўШда *бэклә* сўзи *ён-* ва бирор нарса билан маҳкамлаш маъносида; *бэкит* сўзи *ён, тўс, яшир* каби маъноларни ифодалайди.

**-ла** аффикси айрим сифатларга кўшилганда **-й(-ай)** аффиксига синоним бўлиб келиши мумкин: *улқалла:улқайт* катталаштирма, *йириклаштирма*. Бу юқоридаги сўзларга феълнинг орттирма даража кўрсаткичи **-т, -тир** формантларини кўшганда яққол кўзга ташланади: *улқаллат:улқайтыр:улқайт* каби.

**-лаш (-ләш//лэш)** аффикси *бир* сўзига кўшилиб келади ва худди шу сўзга кўшилиб келувчи, ясовчи **-ик** аффиксига синоним бўлиб кела олади: *бирик: бирлаш; бириктир: бирләштир*. ҚўШда *бириктир* ва *бирлаштир*; *бирик* ва *бирлаш* сўзлари ўзаро маъно жиҳатдан фарқланади. Масалан, **-ик** аффикси кўпроқ шеваларда икки нарсанинг учини бирлаштириш, икки ёки кўп кишини ўзаро бирлаштириш маъносини билдиради. **-лаш** аффикси кўп нарсани бирлаштириш, тўплаш, йиғиш маъноларини англатади. **-ик** ва **-лаш** аффиксларининг ҚўШда бошқа маънолари ҳам кўп бўлиб, фақат, нарсаларни, кишиларни бир-бирига кўшиш, бирлаштирма маънолари билангина синоним бўлиб кела олади. ҚўШда *бирик* сўзи тўртта маънога эга бўлиб, *бирлаш* сўзи икки маънога эгадир.

**-лаш** аффикси **-лан** аффикси билан синоним бўлиб келади. Бу ҳодиса фақат сифат ёки равишларга кўшилганда содир бўлади: *тэтиклән:тэтиклэш; тэзләш:тэзлән*. ҚўШда **-лан (-лән//лэн)** аффикси баъзан **-й (-ай)** аффиксига синоним бўлиб келади: *күчәй:күчлән, сусай:суслан* (суст); *пәсәй:пәслән* (паст) ва х.к.

**-лан (-лән//лэн)** аффикси **-син, -ы//и** аффиксларига синонимик муносабатда бўлиши мумкин: *әжәбсин:әжәблән; тынчы:тынчлан*. *Әжәбсинмәк* феъли маънони бироз кучсиз ифода этади. *Тынчыды* ва *тынчланды* сўзларининг ҳар иккиси ҳам кўп маъноли бўлиб, *тынчы* сўзининг уч маъноси, *тынчлан* сўзининг икки маъноси ҚўШда қайд қилинди. *Тынчы* сўзи ўзининг учинчи маъносида у *тынчлан* феъли англатган маъноларни ифодалайди. *Тынчлан* бирмунча маънони бўрттириб кўрсатади.

ҚўШда **-ла (-лә//лэ)** аффикси сен ва сиз олмошлари билан кўшилиб келиб, янги маъноли феъл ясайди. Бу олмошларга кўшилганда, шахс билан ўзакда ифодаланган олмош орқали муносабат қилиш маъносини англатади. Ўзининг худди шу маъноси билан **-сира** аффиксининг худди шу маъносига синоним бўлиб келади: *сәнлә:сәнсирә; сизлә:сизсирә*. ҚўШда ҳам **-сира** аффиксининг маънолари кўп. Масалан: *қансыра, сувсыра* сўзларида ўзакдан англашилган маънони иташ; *хавпсирә, йатсыра:дјатсыра ётсирә* сўзларида шундай деб қабул қилиш<sup>2</sup> олмошларга кўшилганда юқоридаги маънони, *мәнмәнсирә: мәнмәнсин сыра* адам танымыйды сўзида эса яна бошқа маъноларни англатади. Мазкур аффикс ўзининг бошқа маънолари билан **-ла** аффиксига синоним бўлиб кела олмайди. Айрим ҳолларда **-сира** аффикси **-са** аффиксига синоним бўлади: *сувсыра:сувса* чанқамок, шунингдек, *қызылсыра: қызылсын* гўштсирамоқ сўзларида **-сын** аффиксига синоним бўлиб келади: *йаздың ыссысында адам дым тэз сувсыйды:сувсырыйды*. ҚўШда *ёнма-ён* келган **й** ундошининг таъсирида **а** унлиси **ы//и** унлиси билан алмашиниши меъёрий ҳол саналади. *Күлимсирә* сўзида **-сирә** аффикси **-лә** аффиксига синоним бўлиб келиши мумкин: *күлимсирәп сөйләп:күлимләп сөйләп* дым ичи-баврыңа кирип кэтәди Қорақалпоқ тилида ҳам мазкур ҳолат кузатилади. Ўзбек адабий тилида *сенсирәмоқ* ва *сенламоқ, сизламоқ* ва *сизсирәмоқ* сўзлари фаол ишлатилади. Бу сўзлар айнан бир маънони ифодалайди. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да фақат *сенсирәмоқ* шакли қайд қилинган, лекин *сизламоқ; сизсирәмоқ* шакли эътибордан четда қолган.

ҚўШда феъл ясовчи бошқа аффикслар ҳам ўзаро синоним бўлиб келиш хусусиятига эгадир. Масалан, феъл ясовчи **-ы, -и** аффикси кам равишига кўшилиб келганда, худ-

<sup>1</sup> Гуломов А.Ф. Об аффиксе *-ла* в узбекском языке. В сб.: Ученые записки, вып. I, Т., “Фан”, 1947, с. 39.

<sup>2</sup> Гуломов А.Ф. Феъл. Тошкент, “Фан”, 1984, 98-бет.

ди шу сўзга қўшилиб келувчи, ясовчи **-ай** аффиксига синоним бўлиб келади ва нарса-буюмнинг ўзакдан англашилган ҳолатга киришини билдиради: *кәми:кәмәй*; арчадағы пул *кә-мәйип* қапты: *кәмин* қапты. **-ай** аффикси шу маънода *зор* зўр сўзига қўшилиб келиб, **-ық**, **-ик** аффиксига синоним бўлиб кела олади: *зорық:зорай*; *йарасы зорайып кәтти:йарасы зорыгып кәтти*; *қозы:қозга* бу сўзнинг ўзаги *қоз* (қўз) бўлиб, унга орттирма даража кўрсаткичи қўшилган, иккинчи ҳолатда эса **-ға** аффикси қўшилган, бу ҳам орттирма даража кўрсаткичи бўлиб, айрим ҳолатларда **-ғат** шаклида ишлатилади.

Хулоса шуки, ҚЎШда кўпгина феъл ясовчи аффикслар ўзаро синонимик муносабатда бўла олади. Мазкур ҳодиса аффиксларнинг қандай ўзакка қўшилаётганликлари, қандай маънода қўлланаётганликлари билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, синонимик муносабатга киришаётган аффиксларнинг ҳаммаси ҳам кўп маъноли аффикслардир. Аффиксларнинг ана шу хусусияти ҳам улар ўртасидаги синонимик муносабатни таъминловчи асосий воситадир.

Саида Маматқулова (АнДУ)

### ИНГЛИЗ ТИЛИДА ГАП ТУЗИШ ВА СЎЗЛАР ҚЎЛЛЕНИЛИШИДА ГРАММАТИК МЕЪЁРДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ

**Аннотация.** Мақолада инглиз тилида гап тузиш ва сўзлар қўлланилишида грамматик меъёрдан четга чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Тил меъёрларидан четга чиқиш мисоллар билан изоҳланган.

**Аннотация.** В статье рассмотрены своеобразные стороны составления предложения и словоупотребления, а также отклонения от грамматических норм в английском языке. Отклонения от языковых норм объяснены на конкретных примерах.

**Annotation.** This article highlights the peculiarities of deviation grammar norms in English language in making sentences and using words. It was definite with examples.

**Калим сўзлар:** тил меъёри, экстралингвистик омиллар, грамматик ва лексик категориялар.

**Ключевые слова:** норма языка, экстралингвистические факторы, грамматические и лексические категории.

**Key words:** language norm, extra linguistically factors, grammatical and lexical categories.

Тилшунос олимлар меъёр тушунчасини турлича талқин қилишади. Бир қатор тадқиқотчилар<sup>1</sup> меъёр тушунчасини тил тизими тушунчасига қарши мазмунда талқин этишган. Прага тилшунослик мактаби олимлари (Гавреник, Едличко) тилда мустақамланиб қолган талаффузни тил меъёри деб талқин этишган. Лингвистикада расмий-математик йўналишлар вакиллари тил воқелиги меъёрланишида талаффузнинг қўлланилиши ва тарқалганлиги доираси мезони ҳал қилувчидир, деб ҳисоблашади.

Меъёр тушунчасини биз “индивид (якка шахс)нинг нутқида тил воситаларининг қўлланилишини тартибга солувчи қоидалар мажмуининг нутқий ишлатилиши”ни сифатида кўриб чиқамиз. Таъкидлаш керакки, табиий тилларда гапнинг шакл ва мазмуни тўғрилиги, яъни унинг меъёрлашганлиги кўп ҳолларда айтилган фикрнинг мазмуни билан қандайдир бўлмасин, алоқадор қоидалар (ҳаётий қоидалар)нинг рост/ёлфонлигига боғлиқ бўлади.

Биз меъёрдан четлашишни тил тизимининг барча даражаларида ва тил белгилари — маълум ўзгарувчанлик ва маълум қатъийлик, ҳаракатчанлик (жарангга нисбатан кўзгалувчанлик) ва қаттиқлик (талаффузга нисбатан қатъийлик), эркинлик ва заруриятларнинг антонимиясидан келиб чиқиб танқид қилишни мақсад қилмадик.

<sup>1</sup> Косериу. Норма. Литературные речи. 1963, с. 173.

## MUNDARIJA

### 1-OKTABR – O‘QITUVCHILAR VA MURABBIYLAR KUNI

Я.Олламов. Юксак заковат ва истеъдод соҳиби, фидойи ва толмас олим, давлат ва жамоат арбоби, меҳрибон устоз.....	3
Қ.Шукурлаев. Етук устоз, мураббий ва моҳир педагог.....	6

### 21-OKTABR – O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING “DAVLAT TILI HAQIDA”GI QONUNI QABUL QILINGAN KUN

В.Қо‘шоқова. The Social Factors Influencing the Development of Language.....	8
--	---

## МАТЕМАТИКА

Р.Мадрахимов. Оператор аргументли голоморф функциялар учун тейлор қаторининг аналогли.....	11
--	----

## BIOLOGIYA

И.Абдуллаев, З.Матякубов, Ф.Рахимбаева. Anacanthotermes авлоди термитларининг пост-эмбрионал ривожланиши.....	14
---	----

## TILSHUNOSLIK

Д.Эгамназарова. Тематик прогрессиянинг нутқнинг мантиқий тадрижийлиги ва когезияни таъминлашдаги аҳамияти.....	18
Л.Синдоров. “Ҳибат ул-ҳақойиқ”даги қадимги туркий сўзлар.....	22
А.Зияев. Turli tizimli tillarda “Deintensifikatsiya” konseptual semantikasining morfologik sathda ifodalanishi.....	25
О.Чупонов. Употребление выносных букв в посольских книгах по связям России с Хивой и Бухарой XVII в.....	28
Z.Khaydarov. Linguoculturology as a Discipline of Studying Language and Culture.....	35

## ADABIYOTSHUNOSLIK

С.Рўзимбоев. “Шахриёр” достонининг “Чориёри олам” варианти ҳақида.....	39
Д.Ўраева, О.Адилова. Биографик методнинг адабиётшуносликдаги ўрни, хусусиятлари ва омиллари.....	42

## PEDAGOGIKA

В.То‘рахонова. Implications of Linguistic Competence, Communicative Competence and Pragmatic Competence for Foreign Language Teaching and Testing.....	49
D.Kodirova. The Essence of “Blended” Learning in Foreign Language Learning/Teaching.....	52
I.Minnikulov. Key Factors Influencing Language Acquisition Development.....	56

## ILMIY AXBOROT

О.Анарбоев. Ўзбек ва инглиз тилларида қўшма сўз яшаш мезонлари ва уларнинг компонент таҳлили.....	60
О.Мадаминов. Хоразмнинг кўчманчилар дунёси билан савдо-иқтисодий алоқалари тарихидан.....	64
У.Ибрагимова. Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида феъл ясовчи айрим аффиксларнинг синонимияси.....	67
С.Маматқулова. Инглиз тилида гап тузиш ва сўзлар қўлланилишида грамматик меъёрдан четга чиқиш.....	70